



БОЖХОНА ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИКНИ БУЗИШ ЖИНОЯТЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА КРИМИНАЛИСТИК ЖИҲАТЛАРИ

Абдусаттаров Бехрузбек Абдуқаҳҳор ўғли
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистранти
Тел: 97.736-22-22
<https://doi.org/10.5281/zenodo.18876547>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 24-fevral 2026 yil
Ma'qullandi: 26-fevral 2026 yil
Nashr qilindi: 28-fevral 2026 yil

KEYWORDS

директива, конвенция,
имплементация, иқтисодий
тергов, халқаро ҳамкорлик,
халқаро божхона
стандартлари.

ABSTRACT

Ушбу мақолада божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш жиноятларини тергов қилишнинг ҳуқуқий асослари ва криминалистик жиҳатлари ҳуқуқшунос олимларнинг фикр мулоҳазалари ва илмий ёндашувлари асосида таҳлил қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал қонунчилигининг вазифалари жиноятларни тез ва тўла очишдан, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этишдан ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашдан иборатдир.

Шунингдек, жиноят ишларини юритишнинг жиноят-процессуал қонунчиликда белгиланган тартиби қонунийликни мустаҳкамлашга, жиноятларнинг олдини олишга, шахс, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя этишга ёрдам қилмоғи лозим¹.

Дарҳақиқат, ЖПКнинг 2-моддасида қайд этилган ушбу вазифалар жиноят процессининг барча босқичларига тегишли бўлиб, бу нафқат жиноят ишини юритишга маъсул бўлган мансабдор шахслар балки, процесс иштирокчиларининг барчасига тааллуқли ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси жиноят процессуал қонунчилигига кўра, барча жиноят ишлари бўйича дастлабки тергов ўтказилиши мажбурийдир. Бу албатта, ҳар қандай турдаги содир этилган жиноятлар юзасидан кўзғатилган жиноят ишлари бўйича терговга тегишлилик қоидаларига кўра дастлабки тергов ўтказилиши шартлигини англатади. ЖПКнинг жиноят ишини терговга тегишлилигига оид 345-моддаси талабларига кўра, божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш жиноятларига оид ишлар бўйича дастлабки тергов ДХХ терговчилари томонидан олиб борилади.

Мазкур божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш жиноятларига оид ишлар бўйича дастлабки тергов Жиноят процессуал қонунчилигида назарда тутилган дастлабки терговнинг умумий шартларида назарда тутилган қоидаларга асосида амалга

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси. 2-модда. <https://lex.uz/docs/111460>

оширилади. Яъни, терговчи жиноят ишини қўзғатиб, уни ўз иш юритувига олади ва бу ҳақда иш қўзғатилганлиги тўғрисидаги қарорга ёзиб қўяди. Агар, терговчига олдин қўзғатилган иш берилган бўлса, у ишни ўз юритувига олганлиги тўғрисида қарор чиқаради, шундан сўнг дастлабки терговни бошлайди. Дастлабки тергов муддати эса ЖПКнинг 351-моддаси талабларига кўра, дастлабки тергов жиноят иши қўзғатилган кундан бошлаб уч ойдан ошмаган муддатда тамомланиши лозим ҳисобланади².

Замонавий ахборот технологиялари шиддат билан ривожланаётган ҳозирги замонда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи сифатида божхона соҳасидаги жиноятларга самарали қарши кураш ва мазкур турдаги жиноятлар бўйича дастлабки тергов ҳар томонлама тўлиқ ва сифатли бўлишини таъминлаш мақсадида божхона органлари фаолиятида тергов ва криминалистик усуллардан фойдаланишни янада такомиллаштириш заруратини юзага келтирмоқда.

Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мамлакатда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида ҳар қандай турдаги жиноятчиликка муросасиз қарши кураш ва ҳуқуқий давлатнинг асосий вазифаларидан бири бўлса, божхона соҳасидаги жиноятларга қарши кураш, жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш, бу турдаги жиноятларни фош этиш орқали, нафақат фуқаролар ҳуқуқлари ва давлат хавфсизлигини, балки давлатнинг иқтисодий фаолияти барқарорлиги таъминланишига эришилади.

Хусусан, 2024 йилда божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ҳолатларини олдини олиш борасида амалга оширилган ишлар натижасида, 914 миллиард сўмлик ноқонуний товарлар ушлаб қолиниб, 35 миллиард сўмлик валюта назорати қоидаларини бузиш ҳолатларига чек қўйилган. Шунингдек, 76 миллиард сўмлик қимматбаҳо металллар ва заргарлик буюмларининг ноқонуний олиб кирилишининг олди олинган бўлса, 62 миллиард сўмлик тамаки маҳсулотлари ушлаб қолинган. Бундан ташқари, 2024 йилда божхона органлари томонидан бир тоннадан ортиқ гиёҳванд моддалари ва 554.000 та кучли ва психотроп дорилар пакети мусодара қилинган. Бу кўрсаткичлар 2025 йилда эса қуйидагича, яъни божхона соҳасидаги қонунчиликни бузилиши ва яширин иқтисодиётга қарши курашиш доирасида 34,6 минг ҳолатда қарийб 1 трлн сўмлик ноқонуний товар айланмасига чек қўйилган бўлса, шундан 73,3 млрд сўм эквивалентидаги валюта қимматликлари, 114,1 млрд сўмлик заргарлик буюмлари ҳисобланади. Мамлакат аҳолисининг соғлиги ва хавфсизлигини таъминлаш доирасида олиб борилган чора-тадбирлар натижасида эса, 1 тонна 610 кг гиёҳвандлик воситалари, 1 тонна 55 кгдан зиёд психотроп ва кучли таъсир этувчи моддалар, 137 та ўқотар ва совуқ қуроллар, 566 та патронлар, 44,5 млрд сўмлик тамаки маҳсулотларининг ноқонуний айланмасини олди олинган³.

Шу билан бирга, божхона соҳасидаги жиноятларни фош этиш ва олдини олиш мақсадида янги иш усуллар ва ахборот дастурлари жорий этилган бўлса-да, божхона соҳасидаги жиноятларни аниқлашнинг янги иш усуллари ва воситаларидан ташқари, божхона ходимлари томонидан божхона соҳасидаги жиноятларнинг тезкор қидируви ва бўйича дастлабки терговини ҳар томонлама тўлиқ, ҳолисона бўлишини таъминлаш

² Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси.<https://lex.uz/docs/111460>

³ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги божхона қўмитаси расмий сайти.
<https://customs.uz/oz/>

учун ушбу турдаги жиноятларнинг криминалистик тавсифини соҳада қонунбузилиш ҳолатларини аниқлашнинг асосий устувор мезонларидан бири бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунга қадар бир қатор маҳаллий ва хорижий олимлар божхона соҳасидаги жиноятлар бўйича тезкор қидирув ва дастлабки терговнинг криминалистик тавсифини ўрганишган.

Жумладан, А.Зуфаровнинг фикрига кўра, божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабанда жиноятлари бўйича тергов вазиятлари қуйидаги асосий омиллар билан тавсифланади: *биринчидан*, жиноят-процессуал омиллар; *иккинчидан*, мантиқий билиш ёки ахборот омиллари; *учинчидан*, тактик-психологик хусусиятдаги низоли омиллар; *тўртинчидан*, тактик-бошқарув омиллари; *бешинчидан*, ташкилий-бошқарув омиллар. Шунингдек, тадқиқотчи олим томонидан божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ва Контрабанда жиноятларига доир ишларни муваффақиятли тергов қилиш учун бир қатор қоидаларга риоя қилиш лозимлиги ҳақидаги фикрларни ҳам илгари суради⁴.

Ф.Р.Ғафуровнинг ҳақли эътирофига кўра, божхона соҳасидаги жиноятларни тезкор тергов қилиш ва криминалистик тавсифлаш деганда божхона соҳасидаги жиноятларни самарали фoш этиш имконини берадиган шароитлар, вазиятлар, шахслар, усуллар ва воситалар тавсифи ҳақидаги маълумотлар тўплами тушунилади. Шунингдек, божхона соҳасидаги жиноятларни тезкор қидирув ва криминалистик тавсифлаш билимлари ушбу турдаги жиноятларни самарали фoш этишга хизмат қилади⁵.

А.А.Никифорова Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 182-моддаси ва 246-моддалари диспозициясига эътибор қаратиб, иккала жиноятда уни содир этиш усули бир хил бўлиб фақат божхона чегараси орқали ноқонуний олиб ўтиладиган предметлари бўйича фарқланиши, шундай бўлсада товар тушунчаси умумий маънода контрабанда предметларини ҳам ўз ичига қамраб олиб жамоатчилик хавфсизлиги нуқтаи назаридан 182-модданинг биринчи қисми бўйича шахс муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилгани бўйича маъмурий преюдициянинг мавжудлиги қонунчиликка оид мантиққа мос келмаслиги ҳақида фикр билдирган⁶.

Рус олими Н.Г.Яковлеванинг фикрича, божхона соҳасидаги жиноятларнинг криминалистик тавсифини қуйидагича таърифлаш мумкин булар: божхона соҳасидаги жиноятларнинг криминалистик тавсифи- бу ноқонуний ҳаракатларни содир этиш усули, механизми, ҳолати ва уларнинг оқибатларининг типик белгилари, божхона соҳасидаги жиноятларни содир этиш жараёни билан ўзаро таъсир қилувчи объектлар, жиноят содир этган шахснинг шахсий хусусиятлари, жиноят содир этилган вақт ва жой, моддий ва идеал излар, ҳуқуқбузарликлар ҳақида ўзаро боғлиқ умумий маълумотларнинг типик тизими. Ушбу жиноятларга қарши курашиш муаммоларини

⁴ Қаранг: А.Зуфаров “Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш жиноятларини тергов қилишнинг процессуал-ҳуқуқий асослари”. Мақола. “Жамият ва инновациялар” фанлараро электрон илмий журналнинг махсус сони. 01.09.2022 йил. Жилд 2. № 11/5

⁵ Ф.Р.Ғафуров “Божхона соҳасидаги жиноятларнинг оператив-қидирув ва суд-тиббий хусусиятларига илмий ёндашувлар” – Мақола. Texas Journal of Multidisciplinary Studies. ISSN NO: 2770-0003. Апрель 2024.

⁶ Қаранг: Никифорова А.А. Дисс.канд. юридический наук. Уголовно-правовой механизм противодействия престу- плениям в сфере внешнеэкономической деятельности. Ниж- ний Новгород 2017, с. 39-40.

ҳал қилишда амалий аҳамиятга эга бўлган божхона жиноятларининг бошқа жиҳатлари ҳақидаги маълумотлар тушунилади⁷.

Айрим тадқиқотчи олимлар ушбу турдаги жиноятларнинг криминалистик тавсифини қуйидагича изоҳлаб ўтади, яъни булар: жиноятни содир этиш ва яшириш усуллари; жиноятни содир этиш воситалари; жиноят излари шаклланишининг ўзига хослиги; жиноятчининг шахсий хусусиятлари; жинойи таҳдид объектининг алоҳида хусусиятлари.

Божхона соҳасидаги жиноятларни текшириш ва фош этиш мавзусида илмий тадқиқот олиб борган Л.А.Птухинага кўра, божхона соҳасидаги жиноятларни қуйидаги тўртта элементи санаб ўтади: *биринчиси*- белгиланган қонуний тартибни бузган ҳолда буюмларни (товарлар ва транспорт воситаларини) божхона орқали ноқонуний олиб ўтиш; *иккинчиси*- биринчи элементни мантиқий давоми сифатида, бу жиноятни содир этиш усули; *учинчиси*, декларация қилмаслик ва сохта маълумотлар асосида декларация қилиш, *тўртинчиси*- уюшган гуруҳ томонидан содир этилишидир. Шунингдек, у мазкур турдаги жиноятлар бўйича терговнинг дастлабки ва кейинги босқичларида экспертизанинг аҳамияти муҳим эканлигини таъкидлайди⁸.

А.И.Хмыз ўзининг илмий тадқиқотларида жиноятларнинг криминалистик тавсифини қуйидагича таърифлайди, яъни “жиноятларнинг криминалистик тавсифи бу айрим турдаги жиноятларнинг тавсифини, уларнинг эҳтимолий тузилишини, ахборот моделини ва криминологик аҳамиятга эга бўлган ўзаро боғлиқ белгиларни (элементларни), шунингдек, ушбу турдаги жиноятларни аниқлаш ва тергов қилишда терговни режалаштиришга хизмат қиладиган тергов версияларини яратишни ўз ичига олган ахборот тизимидир”⁹.

Ўзбек ҳуқуқшунос олими Ғ.Абдумажидов жиноятларнинг криминалистик тавсифи борасида ўз фикрларини билдиради ва унга кўра, тергов ҳаракатининг режаси терговни режалаштиришни туғри ташкил этиш учун иш бўйича аниқланиши керак булган ҳолатларни туғри тасаввур қила олишга кўмаклашади. Уларни аниқлашда эса азалдан еттита анъанавий саволга жавоб излаш тавсия этилади: ким, нима, қаерда, қачон, кимнинг ёрдамида, нима учун, қандай қилиб¹⁰.

Лекин бизнинг фикримизча, жиноятлар бўйича дастлабки тергов тўлиқ, холисона ва қонуний бўлишлигида юқоридаги еттита саволни етарли даражада ва бу универсал деб айта олмаёмиз. Чунки ушбу саволлар доираси жуда қисқа бўлиб, турли хилдаги жиноятларни тергов қилишда уларни хусусиятларини тўлиқ қамраб олиш имкониятини бермайди деб ҳисоблаймиз.

Шу сабабдан ҳам Ғ.Абдумажидов ўзининг юқоридаги фикрини давом эттириб, “аммо бу саволларга жавоб топишни ўзи кифоя қилмайди, уларнинг орасида айбни аниқлаш ва унинг шакли, жиноят оқибатлари, уни содир этилишига кўмаклашган ҳолатлар инobatга олинмаган. Шунинг учун, терговни режалаштиришда жиноят

⁷ Яковлева Н.Г., Уголовно-процессуальные и судебно-криминалистические особенности расследования преступлений, находящихся в юрисдикции таможенных органов. Учебное пособие. Г.Твер. 2017. 30-32. С.

⁸ Птухина Л.А. “Криминалистическая характеристика и ее роль в раскрытии и расследовании преступлений, связанных с таможенным перемещением товаров и предметов”. Бизнес в законе. 2006. 3-4 С.

⁹ Хмыз А.И. «Судебно-криминалистические и следственные характеристики преступлений и их взаимосвязи». Вестник Томского государственного университета. 2015. 163-166 С.

¹⁰ Ғ.Абдумажидов ва бошқалар. “Криминалистика” Дарслик (II қисм). Т.:“Адолат”, 2003. 233-бет.

элементларининг ҳар бири буйича иш олиб боришни ташкиллаштириш мақсадга мувофиқдир” деган фикрни илгари сурган¹¹.

А.Зуфаров божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабанда жиноятлари бўйича гувоҳ сифатида жалб қилиниши мумкин бўлган шахсларни қуйидагича гуруҳлаштириш ҳақидаги фикрни илгари суради, яъни:

– исботлаш аҳамиятидаги далиллар улар томонидан мансаб ёки бошқача мажбуриятларини бажариш натижасида маълум бўлган гувоҳлар;

– иш учун аҳамиятга эга бўлган маълумотлар айбланувчи билан қарин- дошлик муносабатларида бўлиши туфайли маълум бўлган гувоҳлар;

– айбланувчи билан кундалик маиший ҳаётда дўстона муносабатларда бўлганлиги натижасида иш учун аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган маълумотларга эга бўлган гувоҳлар;

– айбланувчи билан ҳамкорликда ишлаш натижасида далилий аҳамиятдаги маълумотлар маълум бўлган гувоҳлар;

– тасодифан иш учун аҳамиятга эга бўлиши мумкин бўлган маълумотларга эга бўлган гувоҳлар¹².

Умумий турдаги жиноятчиликни тезкор қидирув ва криминалистик тавсифи борасида ҳуқуқшунос олим В.Каримов қуйидаги фикрларни баён этади яъни, “жиноятларнинг тезкор қидирув тавсифи деганда, айрим турдаги жиноятларнинг ўзига хос жиҳатларини билиш, уларнинг олдини олиш ва аниқлаш билан боғлиқ ташкилий ва тактик вазифаларни самарали ҳал қилиш имконини берувчи хусусиятлар ва ахборот белгилари тизими тушунилади. Маълум бир турдаги жиноятнинг қидирув белгилари мазмунига бошқа билим соҳалари нуқтаи назаридан жиноят белгиларини ташкил этувчи қуйидаги ахборот белгиларини киритиш мумкин, яъни жиноят ҳуқуқи, жиноят-процессуал, психологик, социологик ва иқтисодий. Тергов ишлари назариясида жиноятчининг шахсиятининг хусусиятлари ҳам тезкор қидирув белгилари доирасида, жумладан, унинг типик, ўзига хос хусусиятларини, жиноятни очиш учун зарур бўлган хусусиятларни тавсифлаш доирасида кўриб чиқилади¹³.

Жиноятларнинг олдини олиш фақатгина уларнинг содир этилиш сабаблари ва шарт-шароитлари аниқланган тақдирдагина самарали бўлиши мумкин. Буни эса жиноятчининг шахсиятини чуқур ўрганмасдан амалга ошириб бўлмайди. Баъзи муаллифлар тўғри таъкидлаганидек, жиноятчининг шахсияти жинойий ҳулқ-атвор механизмнинг асосий ва энг муҳим бўғини ҳисобланади. Шунинг учун бундай ҳулқ-атворни келтириб чиқарувчи ёки унга ёрдам берувчи шахсий хусусиятлар огоҳлантирувчи чораларнинг бевосита нишони бўлиши лозим¹⁴.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки олимларнинг илмий-назарий қарашлари ва амалиётдаги мавжуд ҳолатларнинг ўрганилиши ҳамда таҳлили натижасига кўра, божхона тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини бузиш жиноятларига доир ишларни

¹¹ Ғ.Абдумажидов ва бошқалар. “Криминалистика” Дарслик (II қисм). Т.:“Адолат”, 2003. 233-бет.

¹² А.Зуфаров “Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш жиноятларини тергов қилишнинг процессуал-ҳуқуқий асослари”. Мақола. “Жамият ва инновациялар” фанлараро электрон илмий журнал. 2022 й Жилд 2.

¹³ В.Каримов “Тезкор-қидирув фаолияти” дарслик. Тошкент ш. 2021 й. 317-318-бетлар.

¹⁴ Алексеев А.И. Криминология: Курс лекций. М., 1999, С. 123

ҳар томонлама тўлиқ, холисона ва муваффақиятли тергов қилинишини таъминлаш мақсадида қуйидаги ҳолатларга риоя этилиши таклиф этилади, жумладан:

– ҳодиса содир бўлган жойини ва жиноят предмети бўлган далилий ашёларни синчиклаб, ҳеч бир нарсани эътибордан четда қолдирмаган ҳолда кўздан кечириш;

– жиноят предмети бўлган ашёларни бўйича қисқа фурсатда мутахассис фикри ёки эксперт хулосасини олиш борасидаги ишларни ташкиллаштириш;

– жиноят содир этган шахс томонидан жиноят қуроли ёки воситаларини яшириши ёки йўқ қилишини олдини олиш мақсадида, зудлик билан тинтув ва олиб қўйиш тергов ҳаракатларини ўтказиш ҳамда жиноятга алоқадор бўлган нарса ва буюмларни процессуал қонунчилик нормаларига асосланган ҳолда олиб қўйиш;

– шахс томонидан келгусида ўз кўрсатувларини ўзгартириши эҳтимоли борлигини инобатга олган ҳолда видео қайд этиш мосламалари ёрдамида батафсил тушунтириш олиш;

– терговга қадар текширув ва дастлабки тергов ҳаракатларини олиб бориш жараёнида қайд этишнинг криминалистик воситаларидан самарали фойдаланиш лозим.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасида божхона соҳасидаги жиноятларга қарши курашишда, ушбу турдаги жиноятларни тергов қилишнинг ҳуқуқий асосларини, тезкор-қидирув ва криминалистик усулларини янада такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Зеро, бунинг аҳамияти божхона жиноятларининг олдини олишга ёрдам бериш билан бирга давлатнинг сиёсий ва иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси. Манба: <https://lex.uz/docs/111460>
2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги божхона қўмитаси расмий сайти. <https://customs.uz/oz/>
3. А.Зуфаров “Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш жиноятларини тергов қилишнинг процессуал-ҳуқуқий асослари”. Мақола. “Жамият ва инновациялар” фанлараро электрон илмий журналнинг махсус сони. 01.09.2022 йил. Жилд 2. № 11/S
4. Ф.Р.Ғафуров “Божхона соҳасидаги жиноятларнинг оператив-қидирув ва суд-тиббий хусусиятларига илмий ёндашувлар” – Мақола. Texas Journal of Multidisciplinary Studies. ISSN NO: 2770-0003. Апрель 2024.
5. Никифорова А.А. Дисс.канд. юридических наук. Уголовно-правовой механизм противодействия престу- плениям в сфере внешнеэкономической деятельности. Нижний Новгород 2017, с. 39-40.
6. Яковлева Н.Г., Уголовно-процессуальные и судебно-криминалистические особенности расследования преступлений, находящихся в юрисдикции таможенных органов. Учебное пособие. Г.Твер. 2017. 30-32. С.
7. Птухина Л.А. “Криминалистическая характеристика и ее роль в раскрытии и расследовании преступлений, связанных с таможенным перемещением товаров и предметов”. Бизнес в законе. 2006. 3-4 С.

8. Хмыз А.И. «Судебно-криминалистические и следственные характеристики преступлений и их взаимосвязи». Вестник Томского государственного университета. 2015. 163-166 С.
9. Ғ.Абдумажидов ва бошқалар. “Криминалистика” Дарслик (II қисм). Т.:“Адолат”, 2003. 233-бет.
10. В.Каримов “ Тезкор-қидирув фаолияти” дарслик. Тошкент ш. 2021 й. 317-318-бетлар.
11. Алексеев А.И. Криминология: Курс лекций. М., 1999, С. 123
12. Криминалистика / Под ред. И.Ф. Герасимова, Л.Я. Драпкина. М., 1994. Б. 330

